



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 14 май, № 93 (8716)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХИТОЙ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 май куни Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Лю Гочжун бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Хитой делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цянининг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш долзарб масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил январь ойида Хитойга амалга оширилган олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишувлар ижросининг бориши таҳлил қилинди.

Қўмита фаолияти самарали натижалар бераётгани, товар айирбошлаш ва жалб этилаётган инвестициялар ҳажми барқарор ошаётгани, мунтазам авиақатновлар сони кўпайиб бораётгани, маданий тадбирлар фаол ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо кўрсаткичларида мувозанатли таъминлаш ва мамлакатимиз маҳсулотларининг Хитой бозорига кириши учун қулай шароитлар яратиш, иқтисодийнинг стратегик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини жаддалантириш, ҳудудлар кооперациясини кенгайтириш, гуманитар, таълим ва туризм дастурларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича ишларнинг амалий босқичини тез фурсатда бошлаш билан боғлиқ ҳижратлар муҳокама қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ГЕОЛОГИЯНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев
13 май куни кўмир қазиб чиқаришни
ошириш режалари тақдироти
билан танишди.

Аҳоли ва иқтисодийнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш учун энергетиканинг барча йўналишлари ривожлантирилмоқда. Жумладан, муайян тармоқларда кўмир-давом фойдаланиши қўл келади. Ҳисоб-китобларга кўра юртимиздаги кўмир захиралари қарийб 2 миллиард тоннани ташкил этади.

Бу имконият ишга солиниб, кўмир қазиб олиш ҳажми изчил ошириб келинмоқда. Хусусан, 2016 йилда бу кўрсаткич йилга 4 миллион тоннадан кам бўлган бўлса, 2023 йилда 6 миллион 550 миң тоннага етди.

Давлатимиз раҳбари қонларга инвесторларни жалб қилиб, янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини айтган эди. Ўтган йили бу борада сезиларли силжиш бўлиб, тадбиркорлар томонидан 369 миң тонна кўмир қазиб чиқарилди.

Тақдиротда соҳадаги режалар ҳақида ҳам ахборот берилди. Қайд этилганидек, бу йил кўмир қазиб чиқариш 8 миллион тоннага етказилади. Шундан 900 миң тоннаси тадбиркорлар томонидан олинади. “Шарғўм кўмир” акциядорлик жамиятида йилга 500 миң тонна кўмирни бойитиш ускунаси ишга туширилади.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги тўртта майдонда геология ишлари оlib борилмоқда ва келгуси йилда қазиб чиқаришга йўналтирилади.

Шу билан бирга, илгор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда кўмир қатламларини баҳолаш ва бурғилаш ишлари давом эттирилмоқда. Буларнинг натижасида 2025 йилда кўмир қазиб чиқариш ҳажмини 10 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Мутасаддиларга соҳада халқаро стандартларни жорий этиб, кўмир сифатини ошириш, инвестиция лойиҳаларини жаддалантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎН БЕШТА ҲУДУДА IT-ШАҲАРЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга
мамлакатимизда рақамли
технологияларни ривожлантириш,
бу соҳада ёшларни ва лойиҳаларни
қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари
бўйича ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда ўтган йили 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигига ташрифи чоғида топшириқ берган эди.

Сўнгги йилларда бу соҳа жуда тез ривожланиб, мутахассислар ва хизматлар кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда юртимизда IT компаниялар сони 147 та бўлган бўлса, бугунги кунда 2 миңга яқинлашди. Уларда 30 миң ходим юқори даромадли иш билан банд. 70 миңдан зиёд ёшлар IT билан муқтақил шуғулланыпти.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида соҳадаги хизматлар ҳажми 20 фоизга ўсди, 200 миллион долларлик экспорт қилинди, 5 миңга иш ўрни яратилди.

Лекин ҳудудлар кесимида қараганда, IT хизматлари ва экспортнинг асосий улуши Тошкент шаҳрига тўғри келади. Мутахассисларнинг 80 фоизи шу ерда яшайди.

Шу боис бу соҳани чекка ҳудудларда ҳам ривожлантириш мақсадида, IT-шаҳарчалар ташкил этиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли Форум қатнашчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз азизлар — дунёнинг олис ва яқин минтақаларидан ташриф буюрган муҳтарам меҳмонларимизни Осийё хотин-қизлари форумининг очилиши муносабати билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Сизларни қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида қизгин кутлаш ҳамда ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни йўллашдан фойдаланиш.

Ушбу ташаббусимизни фаол қўллаб-қувватлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерришга, анжумани биргаликда ташкил этиб, унда бевосита иштирок этаётган БМТ Бош котиби ўринбосари, “БМТ-Аёллар” тузилмаси ижрочи директори Сима Сами Бахус хоним, БМТнинг Женевадаги бўлинимаси раҳбари Татьяна Валова ва Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг жанобларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Бугунги Форумда халқаро ташкилотлар ва Осийё мамлакатлари парламентлари раҳбарлари, сенатор ва депутатлар, ҳукуматлар аъзолари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари, кўплаб ишбилармон ва олим аёллар қатнашаётганини катта мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Сизларнинг сай-ҳаракатингиз билан юртимизда илк бор ўтказилаётган халқаро анжуман хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги фаолигини янада ошириш, ўзаро таъриба алмашиш ва дўстона ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга муносиб ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Хурматли тадбир иштирокчилари!
Бугунги кунда дунёда жадал ривожланиб бораётган Осийё қитъасининг барча мамлакатлари ва халқлари асрлар давомида ягона кенг маконда уйғун ва ҳамжихатлиқда ривожланиб, турли соҳаларда яқин ҳамкорлик алоқаларини олиб борадилар.

Буюк Ипак йўлининг савдо чорраҳасида жойлашган Марказий Осийё мин-

тақаси миң йиллар мобайнида турли маданиятлар ва цивилизациялар тарққийети учун қудратли куч бағишлаган, юксак умумбашарий қадриятларнинг улкан маънавий бешиги бўлган.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон Осийё қитъасининг ҳам барча мамлакатлари билан узоқ муддатли, кенг қамровли ва ўзаро манфаатли алоқаларини изчил чуқурлаштириб боришга устувор аҳамият қаратаётгани бежиз эмас, албатта.

Сайёрамиз аҳолисининг яримдан кўпи истиқомат қилаётган Осийё мамлакатлари Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришиш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли ва таъсирини кескин ошириш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам аёллар жамиятимизнинг ажралмас бўлини бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари янги қабул қилинган Конституциямиз, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси каби концептуал ҳужжатларда ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Сўнгги етти йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 27 фоиздан 35 фоизга кўтарилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 32 фоизи, Сенат аъзоларининг 25 фоизи аёллардан иборат. Бугун ҳар бир маҳаллаида ҳам уларнинг ўз вакиллари бор.

Ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 миңдан ошди. Юз миңгаб аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Салкам ярим миллион нафар сингилларимиз иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг яримдан зиёдини қизлар ташкил этмоқда.

Бу борада олиб бораётган тизимли чора-тадбирларимиз халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этил-

моқда. Хусусан, Жаҳон банки индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилгани, очик гендер маълумотлар индексида энг яхши 20 та давлат қаторидан жой олгани бизга алоҳида мамнуният бағишлайди.

Қадри дўстлар!

Биз Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, раҳбарлик қобилиятини ва тадбиркорлик салоҳиятини тўлиқ рўйга чиқариш, уларга замонавий билим бериш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож аёлларнинг муаммоларини тизимли ҳал қилиш бўйича бошлаган катта ишларимизни бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.

Зеро, бугунги тарихий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси бўлаётган муҳтарам аёлларимиз — орта қайтмас тус олган демократик ислохотларимиз ва жадал тараққиётимизни амалга оширишда бунёдкор куч, биз қураётган адолатли ва тинчликсевар, кўп миллатли ва фаровон мамлакатнинг мустақам асосидир.

Уйлайманки, сизлар ушбу Форумни ҳар икки йилда ўтказиладиган аънавий мулоқот майдонига айлантириш бўйича тақлифимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайсиз.

Бугунги анжуман натижасида қабул қилинадиган Самарқанд декларацияси асосида келгусида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Осийё хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-гуманитар фаоллигини ошириш тўғрисида”ги резолюциясининг қабул қилиниши барчамизнинг бу борадаги эзгу интилишларимизнинг ёрқин амалий ифодаси бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга яна бир бор сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, Форум ишига улкан муваффақият тилаб қоламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИЛГОР МИНТАҚАВИЙ Ёндашувлар

Самарқанддаги “Silk Road Samarkand” халқаро туризм марказида “Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш масалаларига минтақавий ёндашув” мавзусида биринчи Осийё хотин-қизлар форуми бўлиб ўтмоқда.



Унда 30 дан ортик давлатлардан 80 дан зиёд нуфузли меҳмонлар — Шарқий Осийё, Жанубий-Шарқий Осийё, Жанубий Осийё ва Марказий Осийё мамлакатлари парламентларининг аёл аъзолари, ҳукуматлари раҳбарлари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, юртимиздаги аёл раҳбарлар, ишбилармонлар, сиёсатшунослар, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари етакчилари, олималар

ва фаол хотин-қизлар қатнашяпти.

Таъкидланганидек, мазкур анжуман Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида илгари сурган 2024 йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг бой салоҳиятидан фойдаланиш, жамият ҳаётининг барча жаҳасида улар имкониятларини рўйга чиқаришда ўзаро таъриба алмашиш мақсадида Осийё хотин-қизлари форумини ўтказиш ҳақидаги тақлиф асосида ташкил қилинди.

➔ 2

Мулоқот АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Самарқанд шаҳрида хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масаласига бағишлаб ўтказилаётган форумда 30 дан зиёд хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан нуфузли меҳмонлар иштирок этмоқда. Улардан айримлари билан парламентимиз юқори палатаси Раиси ўртасида мулоқотлар ўтказилди.

Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нурбоева “БМТ-Аёллар” тузилмасининг Европа ва Марказий Осийё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Белен Санс Луке билан музокара ўтказди.

Урашувда Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг иқтисодлаштирилган тузилмалари билан ҳамкорлиги ўзаро алоқалар тарихида юқори даражага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

➔ 2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар кiritиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 30 мартда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда заргарлик саноатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, заргарлик буюмлари экспортини оширишга, шунингдек туризм соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳар томонлама имкониятлар яратишга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни вақтда заргарлик тармоғини саноатнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг хомашга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимча кiritилмоқда.

Шу билан бирга туризмни янада ривожлантириш, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг самарали фаолиятини амалга ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини касба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналарининг мазкур йўналишдаги хизматларни кўрсатишдан олган фойдаси фойда солиғидан озод қилиниши тўғрисидаги норма билан тўғридан назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига касба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналари мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилишини назарда тутувчи ўзгартириш кiritилмоқда.

Ушбу Қонун маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни хомашэ ресурслари билан таъминлашга ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, шунингдек туризмни ривожлантиришга ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тарихида тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда; № 10, 593-модда; № 11, 652-модда; № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда; № 4, 294-модда; 4-сонга илова; № 8, 800-модда; № 9, 901-модда; № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар; № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда; № 3, 215, 216-моддалар; № 5, 461, 464, 467-моддалар; № 6, 570-модда; № 7, 664, 666-моддалар; № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар; № 7, 540-модда; № 12, 1011-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қирқ тўққизинчи ва элликкинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.»

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлда қабул қилинган **«Туризм тўғрисида»**ги УРҚ–549-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2019 йил, № 7, 387-модда; 2020 йил, 4-сонга илова; № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 571-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **21-моддасига** қуйидаги ўзгартиришлар кiritилсин:

Биринчи қисм қуйидаги мазмундаги **биринчи ва иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пилжар мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Касба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналари жойлаштириш воситаларини сифатида мажбурий сертификатлаштиришдан озод этилади.»

иккинчи — бешинчи қисмлар тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимияти ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқариш ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради. 2024 йил Қонун 1-моддаси иккинчи хатбошисининг қоидалари 2024 йил 1 январдан эътиборан юзага келган муносабатларга нисбатан ҳам таъбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 13 май
№ УРҚ–926

Биз ва жаҳон

Ўзбекистоннинг яна иккита маданий мерос объекти ЮНЕСКО Жаҳон хотираси қўмитаси рўйхатига киритилди

Ўзбекистон томонидан тақдим этилган "Худойберган Девоновнинг Хоразм оазиси суратлари тўплами" ва "Туркистон альбоми (1871-1872 йиллар)" ҳужжатлаштирилган мерос номзодномалари ЮНЕСКО Жаҳон хотираси қўмитасининг Осиё ва Тинч океани минтақавий рўйхатига бир овоздан қабул қилинди.



Jahon xotirasi ro'yxati. Turkiston alboni 1871-1872. Xudoybergan Devonovning Xorazm vohasi fotosuratlari.

Бу борадаги тегишли қарор 6 — 10 май кунлари Мўғлистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси учун Жаҳон хотираси қўмитасининг ўнинчи бош йиғилишида маъқулланди.

"Худойберган Девоновнинг Хоразм оазиси суратлари тўплами"да биринчи ўзбек кинотасвирчиси томонидан XX асрнинг бошларидан 40-йилларига қадар Хоразм воҳаси тарихи акс эттирилган бўлиб, у мазкур даврда рўй берган жараёнларнинг нодир визуал далили ҳисобланади.

Тўпلامдан жой олган фотосуратларда акс эттирилган тарихий ҳодисалар, сиёсий тузумларнинг ўзгариши, этнографик ва ижтимоий хилмаҳиллик, аҳолининг турмуш тарзи ва иқтисодий фаолиятининг ўзига хослиги, моддий, маданий ва бадиий ижод намуналари Хоразм минтақаси тарихи ҳақидаги ишончли манба ҳисобланади.

"Туркистон альбоми (1871-1872 йиллар)" илмий ва тарихий аҳамиятга эга нодир фотосуратлар ва рангли тасвирларни ўзида жамлаган. 10 жилддан иборат мазкур тўпلامда тарихий, археологик, этнографик ва ҳунармандчилик бўлимлари мавжуд.

Ушбу альбомда Туркистон ўлкасидаги тарихий обидалар ҳамда қадимий ёдгорликлар, аҳоли турмуш тарзи ва қўндалик ҳаёти, саноат, хунармандчилик, муҳим ҳарбий-сиёсий жараёнлар ва шахслар акс эттирилган.

ЮНЕСКО Жаҳон хотираси қўмитасининг Осиё ва Тинч океани минтақавий рўйхати ўзида минтақа мамлакатларининг тарихий ва маданий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган нодир ҳужжатлаштирилган мерос объекталарини жамлаган.

Маълумот учун: ЮНЕСКО Жаҳон хотираси қўмитасининг рўйхатига шу вақтга қадар Ўзбекистондан Тошкент шаҳрида сақланаётган муқаддас Ҳазрати Усмон мушқари — Курьони (1997 йил), Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар тўплами (1997 йил), Туркистон жамламоси (2016 йил) ва Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари (2017 йил) киритилган.

«Дунё» АА. Париж

ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА МИЛЛИЙ МОСЛАШУВ

Бугун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири, деб тан олмоқда. Маълумотларга кўра, ҳар йили 1,4 млрд. киши тоза сув етишмаслиги боис турли хасталиклар сабаб ҳаётдан кўз юммоқда. Илм-фан тараққий этаётган XXI асрда сайёраимизда ҳар тўрт кишидан бири, яъни 2 млрд. инсон тоза ичимлик суви таъминотига эга эмас. Дунёда оқова сувларнинг 44 фоизи хавфсиз тарзда тозаланмаслиги 3,6 млрд. инсоннинг хавфсиз санитария шароитига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилапти.

Муносабат

2050 йилга бориб сувга глобал талабнинг 55 фоизга ошиши эса инсониятни яна бир бор БМТ платформунида чўқур муҳожаза қилган ҳолда биргаликда ҳаракатларни тезлаштиришга чорламоқда.

Кейинги 15 йил ичида мамлакатимиз аҳолиси жон бошига сув таъминоти 3 048 куб метрдан 1 589 куб метрга қисқарган. Жаҳон сув ресурслари институти томонидан эълон қилинган сув стрессидан азият чекаётган давлатлар рейтингига Ўзбекистон 164 та мамлакат орасида 25-ўринни эгаллайди.

Дунё аҳолиси сони кўپайиб борар экан, табиий ресурсларга, биринчи навбатда, сув ресурсларига эҳтиёж тобора ортади. Ортимизда мавжуд сув ресурсларининг 91 фоизи қишлоқ ҳўжалигига ишлатилади. Бу эса сув танқислигининг олдини олиш учун энг мақбул чора сифатида экинларни су-

лаштириш, ерлардан самарали фойдаланиш ва соҳани илмий ривожлантиришга қаратилган тақдирлар тақдироти билан танишиш давомида ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, мутасаддилар олдида аниқ вазифаларни белгилаб бери.

Мамлакатимизда 3 млн. гектар яйлов ва экин ерлари деградацияга учраган, 2 млн. гектарга яқини турли даражада шўрланган. Хорижий экспертлар иқлим ўзгариши сабабли 2030 йилга бориб, минтақамизда сув ресурслари қарийб 6 фоизга қисқаришини айтмоқда. Бу эса ўз вақтида зарур чоралар кўришни тақозо этади.

Айтиш жоизки, бу борада қишлоқ ҳўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича 52 банддан иборат миллий дастур ишлаб чиқилгани айтиш мумкин бўлади. Сабаби, ушбу дастур доирасидаги чора-тадбирларга 294 млн. доллардан ортиқ грант маблағлари жалб қилинади. Ушбу маблағлар ҳисобидан эса Оролбўйида 1 млн. гектардаги агроэкологик ландшафтлар ҳамда деградацияга учраган яйловлар ҳолати яхшиланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарий вилоятларида иқтисоддорлар барпо қилинади. Сув таъминоти огир ерларда қизилмия,



Наъматак, кунжут, артемия етиштириш йўлга қўйилади.

Шунингдек, иқлим ўзгаришини тахлил ва башорат қилиш бўйича марказ тузилиб, 5 та вилоятда агрометеорология станциялари ўрнатилади. Италия билан ҳамкорликда Интенсив уруғчилик ва кўчатчилик халқаро маркази, шўрга ва сувсизликка чидамлик экинлар бўйича эса уруғчилик ҳўжалиги ташкил этилади.

Биламизки, Амударёнинг қуйи минтақасида сувни тежаш масаласи жуда долзарб. Шу сабабли Қорақалпоғистонда ерни лазерли текислаш харажатлари учун субсидия ажратиш режалаштирилмоқда. Бунда пахта, бошоқли дон ва шולי етиштирувчиларга лазерли текисланган ҳар гектар майдонга сарфланган ёнилги-мойлаш материаллари харажатининг 100 фоизгача қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидия берилиши эътиборга моликдир.

Биринчи босқичда бу Тўрткўл, Беруний ва Амударё туманларида амалга оширилади. Натихада бундай майдонларда ҳосилдорлик ўртача 5 — 7 центнерга ошад ва сув сарфи 15 — 20 фоиз тежаланди. Буларнинг барчаси қишлоқ

ҳўжалигини ривожлантириш билан бирга, пировардида одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, улар бандлигини таъминлашга тўртки бўлади.

Эндилликда биз, депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашга алоҳида маъсуляти билан ёндашиб, фаоллик кўрсатишимиз лозим. Энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий жиҳатларини тартибга солишчи асосларни тақомиллаштириш, ҳусусан, «ақли қишлоқ ҳўжалиги» тамойили сингдирилган Сув кодексини ишлаб чиқишимиз керак. Зеро, устувор вазифалар ҳар бир депутатни янада фаолроқ бўлишига, ушбу соҳа ривож учун самарали меҳнат қилишга ундайди. Залварли вазифаларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши қишлоқ ҳўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиёт барқарорлигига эришиш, аҳоли даромадларини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Моҳира Хўжаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ШИФОХОНАГА ЗАМОНАВИЙ УСҚУНАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Қарши шаҳридаги виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига ЮНИСЕФ томонидан қўймати 100 миң АҚШ доллари қўйматидаги энг замонавий тиббий усқуналар топширилди. Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда виллоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъулари, ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси вакиллари ҳамда виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази жамоаси иштирок этди.

Тиббиёт

— Ушбу тиббий жиҳозларнинг бештаси Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий нарқоз усқуналари бўлиб, огир беморларда тезкор жарроҳлик амалиётларини баҳарийда муҳим аҳамиятга эга, — дейди марказ бош ши-



фокори Тўлқин Расулов. — Яна бештаси Вьетнамда ишлаб чиқарилган замонавий СИПАП аппарати хисобланади. Ушбу аппаратлар бемор болаларга сунъий нафас беришда қўлланилади. Шу кунни марказга учта гемо-

диализ аппарати, шунингдек, беморларни қабул қилишда қулайлик яратиш мақсадида барпо этилган янги мажмуа ҳам фойдаланишга топширилди.

Жаҳонгир Боймуродов («Халқ сўзи»).

Инновация

Сирдарёда пахта етиштиришнинг хориж технологияси оммалашмоқда

Жорий йилда Сирдарё виллояти бўйича жами 3 миң гектар майдонга Хитой технологияси асосида чигит экилди. Утган йилги Сирдарё туманида 406 гектар майдонда тажриба тариқасида айни шу усулда плёнка остига уруғ қадалган эди.

Мазкур агротехнологиянинг ўзига хослиги шундаки, чигит экиш, плёнка тўша ва томчилатиб суғориш учун шланг ётқизиш ишлари замонавий техника ёрдамида бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бу эса фермерлар учун сезиларли даражадаги вақт ва маблағни тежаш имконини беради.

Чигит ерга қадалгандан сўнг аънавий усуллар билан таққослашда тахминан беш кун олдин унинг чиқади. Ҳосилдорлик 50 центнердан ортади. Айни пайтда пахта етиштиришнинг Хитой технологияси қўлланилаётган майдонларда чигит қийғос униб чиқиб, баравж ривожланмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Озиқ-овқат хавфсизлиги:

ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ, АММО...



Бугуннинг гапи

— Барчамизга яхши аёнки, дунё озиқ-овқат бозорларида нарх-наво кўтарилиши ҳолати кузатилаётди, — дейди у. — Албатта, бу юртимиз бозорларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Биласиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бу каби муаммоларнинг янада кучайишига олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра сайёраимиз аҳолисининг 30 фоизи тўйиб овқат емайди. Баъзи мамлакатларда аҳоли тўйиб овқатланмаслиги оқибатида микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммоси долзарб бўлиб турибди. Оқибатда болаларнинг бўйи ўсиши, жисмоний ва интеллегуал ривожланиш даражаси пасайиши рўй бермоқда.

«Бу чет элда рўй берапти, бизда ҳамма нарса етарли» деб бепарво бўлиш, муаммоларга кўз юмиш юрт тақдирига дахлдор қилинган иши эмас. Ваҳоланки, бугунги кунда юртимизда сув танқислиги ва қургўқчилик сезилиб турибди, бу эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш сифати ва салмоғига жиддий зарар етказиши мумкин.

Умуман, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллаб турган бир пайтда Европа Иттифоқи (ЕИ) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларида барқарор турмуш тарзи ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини ривожлантиришда бюджет кўмаги» лойиҳаси амалга ошириляётганини айтиб ўтиш жоиз.

Жорий йил 25 апрель кунги ЕИ Ўзбекистон ҳукуматиға қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш учун 6 миллиард евро ажратгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Мазкур грант озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича стратегия ҳамда дастурларни бюджетлаштириш бўйича йўриқномаларни амалга оширишга хизмат қилади. Грантдан ташқари ЕИ томонидан молиялаштирилган техник ёрдам

мамлакатимизда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигида ислохотларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса кўпроқ иш ўринларни очиб, даромадларини ошириш, хавфсиз ва сифатли овқатланиш имкониятини берадиган бозорга йўналтирилган барқарор қишлоқ ҳўжалиги секторига ўтишга кўмаклашади.

Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги элчиси Шарлотта Адрианнинг фикрларига кўра, қишлоқ озиқ-овқат сектори Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўта муҳим ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон аҳолиси истеъмол қиладиган гўшт, сут, тухум, сабзавот ва мева-чева-нинг асосий қисmini фермер ҳўжаликлари ва томорқачилар етиштиради. Грант маблағлари Европа Иттифоқининг «GSP+» (Барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими) ва шу каби бошқа ташаббуслари билан биргаликда

Жорий йилда Транспорт вазирлиги томонидан 10 та янги халқаро автобус йўналишини очиб режалаштирилган.

Advertisement for Pistazor. Title: Иزلаниш ПИСТАЗОР БАРПО ҚИЛИНДИ. Text: Риштон туманининг «Навбахор» МФЙ ҳудудидаги йиллар давомида каровсиз бўлиб ётган ерда табдиркор Қодиржон Қосимов ташаббуси билан пистазор ташкил этилди. 300 грамм ҳосил олиш мумкин. Илм-фан ютуқлари асосида фаолият кўрсатилган янги плантацияда тақомиллаштирилган технологиялар ёрдамида кўчатхонада ўстирилган ниҳолга иккинчи йили серҳосил ва сифатли писта навлари курткалари пайванд қилинади. Учунчи йили ушбу кўчатлар очик майдонга экилиб, ундан 7-8 йилда ҳосил олинади. Ҳосилдорлик салмоғи бир тупда 40 — 50 килограммгача этади. Ҳозирги кунда туманининг кам ҳосиллиги, унумсиз бוגлари ўрнида шу каби пистазорларни барпо этиш мақсадида риштонлик табдиркорлар томонидан ўнлаб иштиробли лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилина бошланади. Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Advertisement for Uzbekistan. Title: Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик лойиҳаси. Text: Кредит рақами: 7425-UZB. Хизмат тавсифи: Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк (IT Park) дирекцияси консалтинг компанияларини («Маслаҳатчилар») Экологик ва ижтимоий жавобгарлик режаси (ESS), Жаҳон банкнинг Экологик ва ижтимоий стандартлари (ESS) ҳамда Ўзбекистон Республикаси конунчилигиға мувофиқ Лойиҳанинг экологик ва ижтимоий хавфлари бошқариш чора-тадбирларини жорий этиш ва амалга ошириш учун ЛАОГ/IT-паркин қўллаб-қувватлаш бўйича консалтинг хизматларини кўрсатишга қизиқиш билдиришга таклиф қилади. Қизиқиш билдиришнинг охири мuddати: 2024 йил 24 май, соат 15:00. Батафсил маълумот учун: udir@oit-park.uz, 71 209 11 99.

Ўзбекистон — Озарбайжон:

ЯГОНА ИЛДИЗГА ПАЙВАСТА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР



Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, адабий алоқалар йилдан-йилга, кундан-кунга мустақамланиб, янада барқ уриб, яшнаб бораётган, десак, асло муволафа эмас.

Кайд этиш жоизки, икки қардош миллат ўртасидаги биродарлик, дўстлик ришталари узоқ ўтмишга бориб тақалади. У асрлар мубайнида бир-бирдан куч олиб шақланган. Тўғри, қайсибир даврларда бу муносабатларга чанг солинди, қардош халқлар зўрма-зўраки

узюқлаштирилди. Аммо истикқол кўеши нур соча бошлагач бир-бирининг дийдорига ташна, суҳбатларини соғинган қалблар қайта учрашди. Дўстлик, қардошлик алоқалари бугун янги босқичда давом этаётган.

Яқинда Озарбайжон Миллий илмлар академияси ва Дунё ёш турк ёзларлар бирлигининг ташаббуси ва таклифи билан Боку шаҳрида икки миллат зиёлилари, ёзувчи-шоирлари, адабиётшунос олимлари иштирокида ташкил этилган илмий анжуманлар, китоб тақдиротлари, адабий кечаларда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

қўнимгоҳимиз номини айтиб, йўл курсатишини сўрадик. Улар дарров қаердан келганимиз билан қизиқди. Ўзбекистонлик эканимизни билдиришга, бир исм айтишди: Нодирбек Абдусатторов. Оғзидан гапини олиб "Сизлар ҳам шахмат ўйнайсизларми?" дея сўрадик. "Йўқ, лекин Нодирбекнинг ўйинларини кўрамай, хорижлик дўстларга у ўзбекистонлик қардошимиз дея мактанамиз", деди. Ич-ичимиздан фахр туйдиқ. Ўзбекистон ёшлари юксак марраларни забт этаётганига, юртимиз номини бугун дунёга ёяётганига ишонч ҳосил қилдик.

Таассурот

Ўзбеклар — жондошларимиз!

Ўзбекистондан Озарбайжон сари йўл олган учоқ икки ярим соатдан сўнг давлату денгиз оша Боку шаҳрида қад ростилаган Хайдар Алиев номидаги халқаро аэропортга қўнди. Учоқ ойнасидан томоша қилинган гўзалликлар — момик ва оппоқ булуғлар, чексиз кенгликлар, тоғу дарёлар ҳамда мовий денгиздан олган таассуротимиз узюқлашиб улгурмай бизни яна бир ажайиб дийдор онлари қарши олди: кутиб олишга чиққан танш чечралар тафти кўнглимизга ҳам кўчди.

Қардошлар билан ака-укалар каби қуришдик, куюқ сурашдик, бир-биримизни баримизга босдик. Гуё соғинган қалбларимиз таскин топди, фароғат туйди. Йўл чарчоғи ҳам бирпасда унутилди. Уларнинг биринчи айтган сўзи шундай бўлди: "Ўзингизни бегона ўлкага келдик деб ҳисобламган, Озарбайжон — сизнинг ҳам юртингиз, ўзбеклар — жондошларимиз!"

Автоуловга юкларимизни ортди-

ча самимият зоҳир. Сув олаётган-дик, меҳмонлигимизни билди ва сўради: "Қаердан келдингиз?" "Ўзбекистондан", жавоб қайтардик. Кетаётганимизда хайрлашди: "Хуш келибсиз! Қардошларга салом айтинг. Юртингизни яхши кўраимиз...". Кейин кўлини чап кўксига қўйди ва гапини якунади: "Ўзбекистон мана бу еримизда..."

Адабиёт бирлаштирган қалблар

Сафаримизнинг кейинги куну расмий тадбир ва учрашувларга бой бўлди. Эрта тонгданок Дунё ёш турк ёзларлар бирлигининг раҳбари, шоир ва журналист Интиком Яшар бир гуруҳ ижодкорлар билан меҳмонхонага йўқлаб келди. Хол-аҳвол сурашилгач, суҳбатимиз мавзуси адабиёт масалаларига кўчди.

Учрашув чоғи қардош ижодкорлар Озарбайжонда ўзбек адабиёти севиб мутолаа қилиниши, китоблар чоп этилгани, айни пайтда ҳам ўзбек насри ва шеърияти

ганч давлат университетлари профессорлари, доцентлар, олимлар ҳам сўз олиб, адабий ҳамкорликнинг келажақ режалари, кўзлаган мақсадлари ҳақида сўзлади.

Тадбир якуни чинакам шеърият кечасига айланди. Ўзбекистонда ўзининг "Ўзбек келатган тарих қаъридан" шеъри билан машҳур бўлган асли озарбайжонлик, кўп йиллар давомида Ўзбекистонда яшаган шоир ва таржимон Акиф Азалп янги шеърини ўқиди. Қолган шоирлар мушоирани давом эттирди.

Куннинг иккинчи ярмида ўзбек шоири Чори Авазининг яқинда озарбайжон тилида нашр қилинган "Юртингизда яшайман" шеърый китоби тақдироти бўлиб ўтди. Тадбир давомида мана шундай китобларнинг таржима ва чоп бўлиши соҳадаги ишлар ривожига катта туртки бериши таъкидланди.

Ҳайрат улашган икки маскан

Озарбайжон... "Кавказ дурдонаси" ёхуд "Оловлар юрти" дея таъриқ этиладиган бу ўлка ўзининг бетакрор табиати, маданияти, санъати, қадимий меъморчилик обидалари билан бутун дунёга машҳур. Боку — унинг юраги. Мъълумотларга кўра, шаҳарда ҳар тўрт фаслда ҳам саёҳатчиларни учратиш мумкин. Бизнинг асосий саёҳатимиз ҳам айнан пойтахтда кечди ва гўзал таассуротлар билан юрагимизга муҳрланди. Энг биринчи йўл олган жойимиз Ичкари шаҳар бўлди.

Ичкари шаҳар... Минг йиллик тарихга эга ушбу кент Ширвоншоҳлар давлати пойтахти ҳисобланган, шунингдек, Яқин Шарқнинг энг қадимий ва маданий маркази ҳам. Шаҳарда кўплаб тарихий обидалар қатори 20 га яқин меҳмонхоналар, 100 дан ошқиб савдо расталари фангилад юртади, шунингдек, 1 миллион зиёд оилалар истикомат қилади. Майдон 22 гектардан иборат шаҳар ҳудудига юзлаб тарихий ёдгорликлар мавжуд.

Ичкари шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойларини айланар эканмиз, ҳақиқатда тарихан яқинлигимизни ҳис қилдик. Бу туйғу Қиз қалъаси, Ширвоншоҳлар саройи мажмуаси, Мухаммад ибн Абу Башр масжиди, Имом Усмон Аш-Ширвоний масжиди, Археологик парк, Кичик Карвонсаройини кезганимизда ҳам бизни тарқ этмади.

Шаҳар ичида излаб борган жойларимиздан яна бири — кўплаб давлатларда севиб томоша қилинадиган рус фильм "Бриллиант кўл"нинг бир сахнаси олинган, айнан актёр "Чёрт побери" дея йиқилган жой бўлди. У ерда худди актёрга ўхшаб ўтириб суратга тўшаётган одамларни учратдик.

Кейинги манзилимиз эса — Ҳазар денгизи... Олис-олис кенгликларга узанган, кўш одам денгиз ҳайратимизни оштиради. Димоғимизга шўр таям ва ажиб ҳай, юзимизга денгизнинг қайсар шамоли урилди, бу ҳол айрича гўзаллик, тароват, фараҳ бағишлади кўнглимизга. Соҳилда сайр қилаётган ёшларга, саёҳатга келган меҳмонларга, маҳаллий аҳоли вакилларига кўзимиз тушди.

Соҳил бўйлаб биров вақт айландик. Чарчаганимизни ҳис қилган меҳмонхонага кайтш тараддудига тушдик. Икки ўсмир йигитдан

...Озарбайжон сафари тугади, бироқ у ерда кечирган унутилмас таассуротларимизни бир-биримизга сўзладик. Халқларимиз ўртасидаги борди-келди узилмаслиги, орамиздаги меҳр-муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслиги, ҳаммаша дўст, елкадош, жондош бўлиб яшашимизга ишончимиз комил бўлди. Демак, муштарак илдилардан ягона мақсадлар сари йўл олган икки қардош ўлка — Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлиги бундан кейин ҳам давом этиб, янги шакл ва мазмун билан бойиб, янада мустақамланиб бороверади...

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»). Тошкент — Боку — Тошкент

Соғинч

Икки халқ дилбанди

Атоқли ҳофиз Жўрабек Муродовнинг "Ўзбекистон ўғлидурман, тожигим гуфто писар" деган қўшиғини эшитиб таъсирланмаган ўзбегу тожик топилимаса керак. "Ширү шакар" деб аталган бундай шеърлар халқлар ўртасидаги қавму қариндошлик, ўзаро маданий алоқалар заминиде вужудга келган. Тожикча "шир" сўзи "суг" деган маънони англатади. Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилган машҳур ғазалнавис шоир Улмас Жамол шеъри асосида яратилган ушбу қўшиқ берадиган маънавий озуқа ҳам ана шундай суг ва шакар таъминдек ёқимли.



Бу шеър — шоирнинг таржимаи ҳоли. Унда Улмас Жамолнинг ўзбек тамини Ургутда туғилиб улгайгани, тақдир тақозисига кўра Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида яшаб, ишлаб ижод қилгани, тожик халқи шу асно уни "гуфто писар" — "ўз фарзанди" деб билгани ҳақидаги самимий дил сўзлари мумжасам.

Улмас Жамол кўплаб ўзбек шоирлари, ёзувчилари билан ҳаммаслак, ҳамдаму ҳам-фирқ бўлиб ижод қилган. Улар ўртасида дўсту биродарлик, борди-келди алоқалари ҳеч ҳам узилмаган. Ҳазрат Жамолнинг ижодда ҳам, ҳаётда ҳам бирдек давом этган. Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири Эркин Воҳидов шоир дўстининг иқтидорини эътироф қилган ҳолда, инсоний фазилатлари, жамиятда тутган ўрнига ҳам юксак баҳо бергани шундан.

"Жуда кўп шоирларимиз икки тилда ижод қилганлар, ҳам форсий, ҳам туркий тилда, — деб ёзган Эркин Воҳидов. — Ҳазрат Навоий шундай икки тилда ижод қилган зуллисонан шоирдирлар. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилувчилардан яна бири Улмас Жамолдир. Унинг шеърлари мусиқаси билан қўшиқ бўлиб дунёга келади. Шунинг учун атоқли ҳофизлар томонидан қўшиқ бўлиб ижро этилган. Бундай инсонлар, шоирлар, арбоблар икки қардош халқ бир-бирига жигар бўлган, бир-бирига қардон, қадимдан бир-бирига жондош ва ёндош бўлган халқлар ўртасидаги кўприк ҳисобланади".

Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповга замондош шоирлар шеърларини ёд олиб юрган шеърини илхосмандлари эҳтимол, унинг номига ҳар қандам дуч келаверимиз. Аммо Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, "Ўтган асрнинг 50 — 60-йилларида адабиётга кириб келган шоирлар орасида Улмас Жамолнинг алоҳида ўрни бор, ҳеч кимга ўхшамайдиган овози бор. Бир ажайиб нафосат, дилбарлик шабодаси унинг шеъриятдан эсиб туради".

Дарҳақиқат, Улмас Жамол қардош Тожикистонда ўзбек шеъриятининг тугини баланд кўтариб ўтган дилбар шоир, сарқатли дўст, баркирег инсон эди. Уша йилларда бирор иш ёки ижодий сафар билан Тожикистонга бориб қолган ўзбек ижодкори йўқки, бу киши билан учрашган ёки унинг хонадониде тонтотар гурунлар қурмаган бўлса.

Шоирнинг бир умр ўзбек халқини алқаб, ўзигини унутмай, она тилида шеърлар ёзгани бир томондан фарзандлик бурчи бўлса, бошқа томондан маънавий жасорат ҳам эди. Чунки Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги алоқаларда шундай дўстлар бўлдики, улар бир-бирига душман кўзи билан қарай бошлади. Чегаралар ёпилиб, икки юрда яшаган ошна-оғайинлар бир-бирини узоқ вақт кўролмай қолди.

Бундай совуқлашув Ўзбекистонда тараққийинг янги даври бошланганга қадар давом этди. Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг ilk йиллариданоқ Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ўртасидаги интеграциялашув жараёнига жиҳдий эътибор қаратди. "Ягона тарих — умумий келажақ" шиори остида амалга оширилган ишлар икки дарё соҳилларида азал-азалдан бир тану бир жон бўлиб яшаб келган халқларни яна жиблиштирди, орзуларини рўёбга чиқарди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги маданий-маънавий ришталарнинг янада мустақамланишида Улмас Жамол каби атоқли ижодкорларнинг ҳам ўрни бекиёс. Зеро, уларнинг асарларини ўзбек ва тожик халқлари ўз юрагининг бир парчасидек қабул қилади.

Улмас Жамол одамшанаванда, ҳақиқий риндона табият соҳиби эди. Унинг шеърлари давраларда тугилар, хали матбуотда чиқмайданоқ ёки китобда чоп этилмай туриб маълуму машҳур санъаткорлардан тортиб, хаваскор қўшиқчиларнинг ҳам сози орқали халққа кайш борарди.

Шоир камтарин ҳаёт кечириб ўтди. У билган давраларда эса қизгин суҳбатлар, мушоиралар кечарди. Ижодкор шеъриятда нафосат, дилбарлик билан бирга донишмандлик ҳам аққол сезилиб туради. Инсоний дардлар, эзгулик учун кураш, ахиллик, вафо ва садоқат, эл-юртга муҳаббат, ҳақиқатпарварлик, инсонпарварлик куйланади. Шу боис бу шеърларни Фахриддин Умаров, Ортик Отажонов, Камолитдин Раҳимов, Ғулмуҳоммад Ғўломов, Ҳожиакбар Ҳамидов сингари ўзбек қўшиқчилари қанчалик севиб қуйлаган бўлишса, тожик хонанда созадларни ҳам бот-бот шоир ижодига мурожаат этиб туришади.

Юқориде эслаганимиз Жўрабек Муродовнинг қўшиғи дўстликни тараннум этган қўшиқларнинг чўқиса бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига ташрифи чоғида минбардан шу шеърдан иқтибос келтириб ўқиб бергани гулдурос олқишлар билан кутиб олинди. Халқ ўрнидан туриб қарсақ чалиб олқишлаганини катта экранларда барча кўрди. Улмас шоирнинг улмас шеъри катта саҳналарда янгидан қуйланаётгандек бўлди.

Улмас Жамол қўлига энди қалам олган ёш шоирларга мумтоз шоирларнинг камида беш минг сатр шеърини ёддан билиш зарурлигини бот-бот эслатиб туради. Ҳақ минг истаган улуг шоирдан хоҳ форсча, хоҳ туркийча ёддан ўқиб, мисоллар келтиришни одат тусига киритганди. Шу тариха у маҳорат чўқиқларини эгаллаб, ўзи тенгдош шоирлар орасида анча мурраккаб бўлган аруз вазида ижод қилгани билан эҳтиром қозонди.

Улмас Жамол ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги абадийлиги, ажратиб бўлмада ҳаётий, асрий аъналарига эгаллиги ҳақида:

Бу дўстлик наинки икки оташ қалб,
Балки қон ва жондош икки бутун халқ —
Тожику Ўзбекининг асл дўстлиги,
Умрбод бузимаса аҳил дўстлиги,
деб ёзганди.

Ҳақиқатан ҳам, таниқли шоир ўз ижоди орқали ўзбек-тожик халқлари тақдирини, тарихини, турмушини ва дўстлигини умр буйи тараннум этди. Икки халқнинг узилмас ришталари мустақамлиги, тараққиёти ва юксалиши йўлида фидойилик кўрсатди. Шу тариха ўзбекларнинг ҳам, тожикларнинг ҳам қалбини забт этди. У умри давомида инсонлар дарду ташвиши билан яшади, адабиётга содиқ бўлди, сўздан узюқлашмади. Бу хизматлари муносиб баҳо-лашиб, турли давлат ва адабий мукофотлар билан тақдирланди.

Бугун ўз шеърларида миллатлар дўстлиги, соф инсоний туйғулар, эзгулик, ахиллик каби улуг тушунчаларни куйлаган шоир ижоди Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бирдек севиб мутолаа қилинади.

Улмас Жамол ҳаёти ва ижодиға бағишланган "Икки чаман бўлули" тўпламида улуг сўз даргалари — Чустий, Чарийдан тортиб Устозларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби қатор ёзувчи-шоирларнинг эътирофлари, ёдномалари жамланган. Уларни мутолаа қилар эканмиз, шоир гоёт самимий, баҳор гулларидек кўркам, тонги тушуринлар каби тоза туйғулар экан этган мисралари орқали ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг тимсолига айлиб қолганига яна бир бор амин бўласиз. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов "Улмас ака, сизнинг борингизга шукр, дейман" дея шоир тириклик чоғидаги эътироф сўзларини беҳиз битмаганини англайсиз.

Ҳар икки қондош ва қардош — ўзбек ҳамда тожик халқлари шу кунларда Улмас Жамол таваалудининг 90 йиллигини муносиб кутиб олишар экан, давраларда унинг «Икки тили бир халқ васфига» деб номланган шеъри бот-бот ўқилаётганига гувоҳ бўласиз:

"Ўзбекистон ўғлидирман,
тожигим гуфто писар,
Рост гўям, ҳар кадоме
севгимдир жон қадар.
Она деб айтсам бировин,
ул бири менга надар,
Ҳамчу ду чамши сиёҳам
ишки халқ ҳам муътабар,
Меҳру ёдаш дар вужудам —
порлаган шамсу қамар".

Бу шеър бугун ўзбек ва тожик халқларининг дўстлик мадҳиясига айланган. Зеро, ҳар иккала мамлакат ўртасида барча соҳада алоқалар кучайиб бораётган маҳалда ана шундай эзгу сўзлар ҳам фақат ахилликка, биродарлигимиз кўприкларини мустақам бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўлмасбек ХҲҲАЕВ,
тодқиқотчи,
Шойим БҮТАЕВ
(«Халқ сўзи»).

Таиланднинг Паттайя шаҳрида пара пауэрлифтинг бўйича жаҳон кубоги мусобақаси ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 6 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза, жами 11 медални қўлга киритди.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово' newspaper. Includes contact information for the editorial office, phone numbers, and a QR code for subscription information. The ad also mentions a competition for the best journalist in the region.